2006 ЙИЛ, 20 ЯНВАРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 13 (10.570)

Баҳоси эркин нархда

## Пойтахтнинг бир куни

### Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

● **ШАҲРИМИЗДА** ёш эстрада хонандаларининг "Янги номлар" кўрик-танловининг якуний босқичида ғолиб ва совриндорлар мутасаддилар томонидан тақдирланди.

● **БУГУН** Тошкент политехника касб-ҳунар коллежида "Маънавият ва маърифат" марказининг Миробод туман бўлими ташаббуси билан ўқувчи қизлар иштирокида уюштирилган тадбир "Қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш" деб номланди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги 160-мактабда уюштирилган "Қишки беллашувлар" интеллектуал ўйинида 2-синф ўқувчилари иштирок этишди.

● **БУГУН** Сергели туманидаги 284-мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган "Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш — давр талаби" мавзуидаги давра суҳбати "Маънавият ва маърифат" марказининг Сергели туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **БУГУН** Яккасарой туман ҳокимлигида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши томонидан уюштирилган семинар ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланди.

● **БУГУН** "Камолот" ЁИҲ Бектемир туман бўлими Кенгаши бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда туман сардорлари Кенгаши аъзолари иштирокида уюштирилган тадбир Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **БУГУН** Тошкент ирригация ва мелиорация институтида шаҳримиздаги олий ўқув юртлари талабаларидан тузилган жамоалар ўртасида мини-футбол, югуриш, шахмат, армрестлинг бўйича "Камолот" Кубоги мусобақалари уюштирилди.

● **МУХТОР** Ашрафий уй-музейида ўзбек маданияти ва санъати ривожига катта ҳисса қўшган Раҳим Қориев таваллудининг юз йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваторияси ҳамда Камолиддин Беҳзод номидаги Санъат институти ҳамкорликларида талабалар, ўқитувчилар, санъаткорлар иштирокида уюштирилган тадбир ва концерт дастури "Нур Шарқдан таралади" деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

**ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ТОШКЕНТМЕБЕЛЬ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ВА ЛАТВИЯ ДАВЛАТИНИНГ "БОЛДЕРАЯ" КОРХОНАСИ МУАССИСЛИГИДА 1996 ЙИЛДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "ДИЕНВИДИ" ЎЗБЕКИСТОН-ЛАТВИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ЧИРОЙЛИ КЎРИНИШГА ЭГА, МУСТАҲКАМ МЕБЕЛЬ МАҲСУЛОТЛАРИ ЎЗ ХАРИДОРИНИ ТОПМОҚДА.**



*Қўшма корхоналарда*

## ХАРИДОР ДИДИГА МОС

Бугунги кунда тадбиркорлик соҳаси ривожига эътибор кучайгани боис ҳозирда ишбилармонларимиз ишлаб чиқаришни кенгайтириб, давлат томонидан берилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланишга, ички бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан бойитишга ҳаракат қилмоқдалар.

Харидор дидига мос мебель жиҳозлари тайёрланаётган "Диенвиди" корхонасида 20 дан ошиқ турдаги офис мебеллари, гарнитурлар, китоб жавонлари, компьютер столлари, каравот, стол-стуллар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўтган 2005 йилда қўшма корхонага Германия ва Италиядан замонавий технологик линиялар келтириб ўрнатилди ва бунинг ҳисобига корхона иш унумдорлиги бир неча фоизга ошди.

Қўшма корхонада тайёрланаётган мебеллар хом ашёсининг 90 фоизи Латвиядан келтирилади. Ламинатланган ДСПдан тайёрланаётган ана шундай хонадонимиз кўркига кўрк бағишлаётган, жаҳон андозалари даражасидаги мебель жиҳозлари айни дамда ўзининг доимий буюртмачисига эга.

— Айни дамда бу ерда 40 нафарга яқин ходимлар иш билан таъминланган, — деди корхона раҳбари Қобил Яҳёев. — Шу ўринда Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"ги Қарорлари биз тадбиркорлар учун кенг шарт-шароитлар яратиб берганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Натижада вақтимиз тежалмоқда, ортиқча оворагарчиликларнинг олди олинмоқда. Шунингдек, янада илғорроқ ишлашга ундаши табиий.

Қўшма корхона ҳозирда ўзининг фирма дўконига эга. Ушбу дўконда харидор истаган мебель жиҳозини ўз дидига мос ҳолда танлаб олиш имконига эга бўлади. "Диенвиди" ишчи-ходимлари айни кунларда офис мебелларини ишлаб чиқариш билан банд.

Маълумки, келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларга кенг имкониятлар яратиш мақсадида уларнинг ўқув юртларидан тортиб то ётоқхоналаригача эътибор кучайтирилган. Ҳозирда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Тиббиёт академиясида таҳсил олувчи талабаларнинг ётоқхоналари қайта таъмирланиб, замонавий мебеллар билан жиҳозланмоқда. Ушбу ишларга эса "Диенвиди" жамоаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Талабалар ётоқхонаси учун мебеллар, китоб жавонлари, стол-стуллар айнан ушбу қўшма корхона ходимлари томонидан тайёрланмоқда.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**СУРАТЛАРДА: цех бошлиғи Шукрулло Умаров ва ишчи Улуғбек Раимбековлар тайёр маҳсулот сифатини текширмоқдалар; дурадгор Қобил Усмонов иш устида.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**



## МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА «МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ — МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ» МАВЗУИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАЗКУР АКАДЕМИЯ ТИНГЛОВЧИЛАРИ, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИКЛАРИ МУТАСАДДИЛАРИ, ЎҚИТУВЧИЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.**

Академия ректори Қ.Назаров жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш жараёни ҳаётимизнинг маърифий-маънавий соҳаларидаги ўзгаришларга ҳамоҳанг тарзда кечаётганини, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлигига эришишда миллий истиқлол ғояси асосий таянч бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2001 йил 18 январда қабул қилинган «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисидаги фармойиш бу борадаги ишларда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Ўтган давр мобайнида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани юртимиз таълим тизимининг таркибий қисмига айланди. Бу йўналишда бир қанча ўқув адабиётлари, дарслик ва қўлланмалар, услубий ва кўргазмавий ишланмалар, китоб ва рисолалар яратилди.

Шу билан бирга, дунёдаги муайян кучлар томонидан ахборот хуружлари, ёшлар қалби ва онгини заҳарлашга интилиш кучайиб бораётган бугунги глобаллашув замонида маърифий-мафкуравий тарбия борасида ечимини кутаётган муаммолар ва долзарб вазифалар кўп. Зеро, давлатимиз раҳбари доимо ўз чиқишларида ёшлар тарбиясига бепарволик, мафкуравий курашдаги лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини, тарбия - бу ҳаёт-мамот масаласи эканини одамларга, кенг жамоатчиликка қайта-қайта тушунтириш, уларни огоҳ этиш зарурлигига эътибор қаратмоқда.

Анжуманда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича яратилаётган дарсликларни давр талаби даражасига кўтариш, ўқитувчиларни замонавий билим ва ғоялар билан қуроллантириш, таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик технологиялар ва услублардан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

**МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СОЛИҚ СОҲАСИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.**

*Қарор ва ижро*

## ТАДБИРКОРЛИК: СОЛИҚҚА ОИД ЯНГИЛИКЛАР

Бу эса солиқ тизими фаолиятининг янада очиқ ва ошкоралигини таъминлаш билан бирга, корхоналар зиммасидаги солиқ юкини сезиларли даражада енгиллаштиришга хизмат қиляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 27 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрларига оид қарорида жорий йилда ҳам солиқ юкини камайтириш ёки солиқ солишнинг соддалаштирилган усулларини қўллашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Солиқ идоралари ходимлари мазкур қарорнинг моҳиятини тушунтириш, солиққа тортишдаги янгиликлар ва ўзгартиришларни солиқ тўловчиларга етказиш мақсадида жойларда турли тадбирлар ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан пойтахтимизда ташкил этилган семинар-йиғилишда турли корхона ва ташкилотлар, хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари, тадбиркорлар, солиқ органлари ходимлари ҳамда солиқ тўловчилар иштирок этди.

Таъкидланганидек, жсрий йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мамлакатимизда солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг изчиллигидан яна бир далолат. Бу эса ўз ўрнида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, аҳоли реал даромадларининг кўпайишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Юқорида номи зикр этилган қарорга мувофиқ, шу йил 1 январдан бошлаб экология солиғи, юридик ва жисмоний шахслар савдо корхоналарида савдо қилиш ҳуқуқи учун тўлайдиган ойлик йиғимлар бекор қилинди. Даромад солиғи тўловчи корхоналар учун солиқ ставкаси 12 фоиз этиб белгиланди.

Йиғилишда жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, ягона ер солиғи, акциз ва ягона солиқ тўлови ҳамда бошқа солиқ турлари борасидаги ўзгаришлар ҳақида кенг маълумот берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси ва Россиянинг Тюмен вилоятидаги «Строймашсервиз» компанияси ўртасида яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани натижасида икки томоннинг тажрибали мутахассислари Амударё остидан узунлиги 810 метр бўлган туннелли газ қувурини ёткизиш ишларини бошлаб юбордилар.**

**● Ўзбекистон Давлат санъат музейида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб очилган фото кўргазмада Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси суратчиси Сергей Спиридонов ижодига бағишланган асарлар намойиш этилмоқда.**

**● Балиқчи туманидаги «Балиқчитекс» Ўзбекистон-Германия-Швейцария қўшма корхонасига ўтган бир йил ичида 4,3 миллион АҚШ доллари миқдорида энг замонавий, илғор технологиялар келтирилди. Натижада йилига қўшимча 2000 тонна калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

**● Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Нукус шаҳрида «Мардлар қўриқлайди Ватанни!» шиори остида тадбир ташкил этилди.**

**● Қибрай туманида Тошкент вилояти халқ таълими ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида Республика Фанлар олимпиадасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

**● Сирдарё вилояти ҳокимлигида эпидемияга қарши кураш вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**

**● Андижон вилояти, Жалолқудуқ туманида ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантириш дастурига мувофиқ 127 та лойиҳа тайёрланиб, тендер савдосига қўйилди. Айни пайтда умумий ер майдони 5306 гектарни ташкил қиладиган 121 та лойиҳа ўз эгасини топди.**

**● Аброр Ҳидоятов номидаги Ёшлар театрида Германиянинг «Югендштерн» — «Ёшлик юлдузи» ёшлар театр-студиясининг «Небелинларга лаънат» номли спектакли Немис миллий маданият маркази ҳомийлигида томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.**

**● Академик А.Содиқов номидаги биографик кимё институти ходимлари томонидан қоннинг бош таркибий қисми — эритроцитларни сақлаш муддатини узайтирувчи эритма ишлаб чиқилди. Янги эритма таркибига глюкоза ва антикоагуляторлар кириб, у беморларга қуйиш учун сақланадиган қон заҳираларининг сақлаш муддатини узайтиришга имкон яратади.**

**● «Қўқонмаш» акциядорлик жамиятида янги йилдан бошлаб ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури янада кўпайди. Маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган корхона «ЎзДЭУавто» корхонаси учун яна беш турдаги бутловчи қисмлар тайёрлаш учун шартнома тузди.**

### ЖАҲОНДА

**● Африка тарихида биринчи бор аёл киши давлат раҳбари этиб сайланди. 16 январь куни Эллен Жонсон-Сирлиф хоним Либерия президенти вазифасини бажаришга киришди. Мамлакат пойтахтида ўтказилган тантанали маросимда янги президент қасамёд қабул қилди.**

**● Осиё Тараққиёт банки «Осиё валюта бирлиги»ни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Мазкур тўлов воситасининг банкнотлари жорий йил ишлаб чиқилиши мумкин. Унинг Жанубий Корея, Хитой, Япония, Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Малайзия, Мьянма, Сингапур, Таиланд ҳамда Филиппин ҳудудида муомалага чиқарилиши мўлжалланган.**

**● Ироқнинг Туркия билан чегарадош ҳудудида парранда гриппи касаллиги аниқланган. Хабарларга кўра Рания шаҳрида 14 ёшли қизча ушбу касаллик аломатлари билан шифохонага тушиб, ҳаётдан кўз юмган. Таъкидлаш жоизки, мутахассислар фикрича мамлакатда қониқарсиз тиббий шароитда касалликка қарши самарали кураш олиб бориб бўлмаслиги туфайли Ироқда парранда гриппининг тарқалиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.**

**● Покистон махсус хизмати «Ал-Қоида» ташкилотининг юқори мартабали ва хавфли аъзоси — кимёвий қуроллар яратиш бўйича эксперти Мирхад Мурсини йўқ қилганлигини билдирди. Махсус хизматнинг маълумотига кўра, Мурси билан бирга «Ал-Қоида» ташкилотининг яна икки аъзоси Афғонистон чегарасида йўқ қилинган.**

**● Чоршанба куни акцияларни сотиш бўйича битимлар сонининг кескин ортиши оқибатида ўз операцияларини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлган Токио фонд биржасида кеча вазият тўлалигича барқарорлашди.**

**● 2005 йилнинг октябрь ойидан бошлаб Халқаро космик станциясида фаолият кўрсатаётган фазогирлар Валерий Токарев (Россия) ва Уильям Макартур (АҚШ) очиқ фазога чиқишга тайёргарликни бошлаб юбордилар.**

**● АҚШ молия вазирлиги Америкада Сурия ҳарбий разведкасининг бошлиғи, мамлакат президенти Башар Асаднинг куёви — Асеф Шавкатнинг барча активларини музлатиб қўйиш ҳақида қарор қилганлигини билдирди.**

### ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 21 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди, туман тушади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 13-15, кундузи 3-5 даража совуқ бўлади.

*Фармон ва ижро*

# ТАДБИРКОР ҲАМ ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНСА...

**МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ 2005 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДАГИ "ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИ ЖОРИЙ ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН БАРЧА МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИНГ МАНТИҚИЙ ДАВОМИ БЎЛИБ, ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.**

Ушбу Фармонга кўра энди микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтказилади.

Янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмайди.

Ҳудудий солиқ органлари томонидан бошқа туманлар (шаҳарлар)да рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш бинолари, савдо шохобчалари қаерда жойлашганидан ва хизматлар кўрсатиладиган (ишлар бажариладиган) жойдан қатъи назар уларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш такрорланишига йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган жойдаги тегишли солиқ органлари билан бир вақтда амалга ошириладиган бўлди.

Энг муҳими, энди тадбиркорлик субъектларига улар текшириш натижалари бўйича назорат органларининг тақдимномаларини бажарган, шунингдек етказилган зарарни белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда ихтиёрий равишда қоплаган, шу жумладан пеняни тўлаган тақдирда уларга нисбатан молиявий жазо чоралари қўлланилмайди.

Шу ўринда мазкур Фармонда назорат органларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари рухсатсиз текширилганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрни қопланганн ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортилишлари ҳақида огоҳлантириб ўтилган.

Назорат органлари "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонун моддаларига қатъий мувофиқ равишда режадан ташқари текширишлар ўтказилишини асослаб берадиган сабаблар мавжуд бўлган фавқулодда ҳоллардагина улардан текшириш ўтказишга рухсат бериладиган бўлди.

Мазкур Фармондан кейин Тошкент шаҳри ва туман миқёсида тегишли қарорлар қабул қилинган бўлиб, дастурлар ишлаб чиқилган. Йиғилишлар ўтказилиб, ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб борилган. Текширишлар сонини кескин қисқартириш таклифлари киритилиб, айрим хўжалик субъектлари режадан чиқарилди.

Президентимизнинг янги қабул қилинган Фармон ва Қарорларини ҳуқуқий тарғиб қилиб, тадбиркорларга кенг йўл очилишида барча имкониятлардан фойдаланмоқдамиз. Шу ўринда айтиш лозимки, тадбиркорлар бу яратилаётган эркинликлардан оқилона фойдаланиб, қонунларни ҳурмат қилиб, вақтида солиқларни ва бошқа тўловларни тўлаб, ўз мажбуриятларини ҳам унутиб қўймасдан, билдирилаётган ишончларни оқлаб фаолият юритадиган бўлса, нур устига нур бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш учун нафақат назорат қилувчи идоралар, балки тадбиркорлар ҳам масъулдирлар. Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида 162-92-42 рақамли ишонч телефони ишлаб турибди. Тадбиркорлар ноқонуний ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар содир этилган ҳолларда, қонун ҳужжатлари юзасидан тушунмовчиликлар вужудга келган пайтда ана шу телефон орқали мурожаат қилишлари мумкин ва ходимларимиз ҳамиша уларнинг ҳуқуқий ҳимоясига тайёр.

**Илёсиддин ҲАЙДАРОВ,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи,**
**Одил АЛЛАЕВ,**
**бўлим бош маслаҳатчиси**

# «RAPSHEE» ШАРҚОНА ОҲАНГЛАР

**— "МУСИҚАНИ ХАЛҚ ЯРАТАДИ, ЭНГ ЯХШИ БАСТАКОР ВА СОЗАНДАЛАР УНГА ЖИЛО БЕРИШАДИ"- ТАМОЙИЛИ АСОСИДА ТОШКЕНТДА «RAPSHEE» МУСИҚИЙ ЛОЙИҲАСИНИНГ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ ЎТКАЗИЛДИ. ЛОЙИҲАНИНГ МАҚСАДИ ҚАДИМИЙ МИЛЛИЙ МУСИҚИЙ АСБОБЛАРНИ ҚАЙТА ТИКЛАШДАН ИБОРАТ, — ДЕДИ ЛОЙИҲА ПРОДЮСЕРИ АРСЛОН КАМОЛОВ.**

Унинг сўзларига қараганда, кўп изланишлар натижасида қатор қадимий мусиқа асбобларини излаб топиб, уларни ярокли ҳолга келтирилди. Чанг-қўбиз, соз-сурнай, қамиш-сурнай, қовурсин-сурнай, ускирик, ортеке, жетиген, сибизға каби созлар ҳозирги замон мусиқа асбоблари жўрлигида бошқача оҳангларда янгради.

— Лойиҳамизда кўҳна соз ва мусиқаларни тиклашда оҳанг жиҳатдан бирон бир ўзгариш киритилмаслигига алоҳида эътибор берилади, — деб таъкидлади А.Камолов. — Қайта «тирилган» созлар янги композицияларда янада яшнамоқда.

«RAPSHEE» лойиҳасида халқ мусиқий - ижодиёт вакиллари, қўшиқчи - бахшилар, созандалар билан бир қаторда ёш, иқтидорли хонанда, рақкос ва замонавий шоу-бизнес вакилларини бир вақтда саҳнага чиқиши кўзланган.

— Тамоман янги услуб, яъни бахшичилик мактабининг маҳоратли вакиллари ва ҳозирги замон мусиқий ижрочиларининг RAP услубидаги қўшиқ ва мусиқаларидан ташкил топгани учун йўналишимизни «RAPSHEE» деб номладик, — деди А.Камолов. — Ўзлари яхши кўрган ва яхши англайдиган замонавий мусиқий услублар воситасида навқирон йигит ва қизларимиз эътиборини миллий мусиқий маданиятимиз негизига қаратиш ниятидамиз. Келгусида бошқа мусиқа йўналишларидан фойдаланишни ўйлаб қўйдик.

Продюсернинг айтишича, агар сиз хонанда ёки созанда бўлишни орзу қилсангиз ва лойиҳа экспертлари сизнинг иқтидорингизни синовдан ўтказиб, лаёқатингиз борлигини айтишса, унда «RAPSHEE» сизнинг шоу-бизнесга кириб келишингиз учун барча шароитларни яратиб беради.Бу лойиҳанинг яна бир жиҳати, — деб қайд этди А.Камолов.

Тақдимот маросимида лойиҳа доирасида яратилган дастлабки асарлар томошабинлар диққатига ҳавола этилди. Бу дилрабо оҳанглар ўзининг сержилолиги ва бетакрор сеҳри билан кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Ўзбекистон Ёшлар театрининг бадиий раҳбари Наби Абдураҳмонов ушбу оҳанглардан янги спектаклни саҳналаштиришда фойдаланишини билдирди.

Мазкур миллий лойиҳа Швейцариянинг тараққиёт ва ҳамкорлик бўйича Бошқармаси томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Отаназар Матёқубов, Акбар Ҳакимов, Рустам Абдуллаев каби таниқли мусиқашунос олим ва созандалар лойиҳага экспертлик қилишмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

*Футбол*

# МУРОСАСИЗ БЕЛЛАШУВ

**МОСКВАДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН МДҲ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ ГУРУҲ БАҲСЛАРИНИНГ ИККИТАСИДА АЖОЙИБ ҒАЛАБАЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН РАВШАН ҲАЙДАРОВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ «ПАХТАКОР» ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИ РОССИЯ ВА ЕВРОПАНИНГ ЕТАКЧИ КЛУБЛАРИДАН БИРИ ЦСКА БИЛАН КЕЧГАН УЧИНЧИ УЧРАШУВДА ҲАМ РАҚИБЛАРИГА МУНОСИБ ҚАРШИЛИК КЎРСАТА ОЛИШДИ.**

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, Зайниддин Тожиевнинг «Пахтакор» сафига қайтиши тошкентликларнинг ҳужум чизиғини анча мустаҳкамлади. Ва бу ўтказилаётган учрашувларда яққол самара бермоқда, дейиш мумкин. Аввало, ЦСКА футболчиларига қарши майдонга тушган «пахтакор»чиларнинг уюшқоқ ҳолда, ҳужумкор ўйин намойиш этганликлари таҳсинга сазовор. Албатта ҳар икки томоннинг муросасиз ҳужумлари остида ўтган беллашувда еттита гол киритилганлиги юқоридаги фикримизни исботлайди. Дарвоқе, шу куни моҳир ҳужумчи Зайниддин Тожиев рақиблар дарвозасини уч бор ишғол этган бўлсада, «пахтакор»чиларнинг ўз дарвозаларидан тўртта тўп ўтказиб юборганлари туфайлигина 4:3 ҳисобида москваликлар зафар қучишди.

Энди Равшан Ҳайдаров шогирдлари чорак финалда Озарбойжоннинг «Нефтчи» жамоаси билан куч синашишади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ҚАРОВСИЗЛИКДАН РАНЖИДИК

Бир яхши гап, бир ёмон гап тез тарқалади. Ҳайит байрами арафасида яқин қариндошларимиздан бири тўсатдан вафот этганлиги ҳақидаги хабарни эшитиб лолу ҳайрон бўлиб қолдик. Кечагина орамизда юрган одамга нима бўлди экан? Шундай савол билан марҳумнинг дафн маросимига отландик.

Тобутни эртароқ кўтариб йўлга тушганимиз учун масжидда бироз туриб қолишга тўғри келди. Қабристон билан масжид туташ бўлгани сабаб вақт борлигидан фойдаланиб қабристонни зиёрат қилмоқчи бўлдик. Узун йўлка бўйлаб боряпмизу, кўзимиз паст-баланд қабрларда. Уларда не-не инсонлар ётибди. Лекин шундай зиёратгоҳ маскан негадир узоқ вақт қаровсиз қолдирилганлигидан ранжидик. Ахир азалдан бизда қабристонлар қадамжо ҳисобланади. Шундай экан уларни обод ва озода сақлаш биз тирикларнинг бурчимиз. Қолаверса инсон умри ўлчовли. Унинг сўнгги манзили, борар жойи қабристон. Боболаримизнинг «Гўринг нурга тўлсин» деган сўзларида катта маъно бор. Аввало бу сўз қабристонларнинг обод ва чароғон бўлишига қаратилган.

Тан олиш керак, сўнгги йилларда юртимизда, умуман шаҳримизда қабристонларни ободонлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Уларни ораста қилиш учун маҳаллаларда тез-тез ҳашарлар, уюштирилаётганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз. Бугун ана шундай қабристонларни санаб адоғига етиш қийин. Бироқ нақадар аччиқ бўлмасин, айтиб ўтишга тўғри келади. Не ажабки, ҳали ҳам жойларда қаровсиз қолдирилган, ўт-ўлан, турли чирмовиқларга ўралиб ётган қабристонлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Хаёллар оғушида бораётсак, ҳамроҳимиз:

— Буниси ғалати бўлдию, — деб қолди.

Рўпарамизда одам бўйи баланд девор билан ўралган хилхонага дуч келдик. Яхши умидлар билан бунёд этилган хилхона ҳам ташландиқ ҳолга келиб қолган. Унинг деворлари нураб кетган, эшиклари синиқ. Бунинг устига хилхона пештоқига ёзилган ёзувлар ярим ўзбекча, ярим русча эди.

Ундан сал нарида гўё шу хилхонага ҳасад қила-қила қаровсизликдан ер бағирлаб кетган қабрлар мунғайиб ётибди. Таъбимиз тирриқ бўлиб орқага қайтдик. Пешин намози тугаб жаноза бошланди. Яна тобут қўлма-қўл ўтди. Илон изи йўллар билан бориб, марҳумни бир алпозда қабрга қўйиб қайтдик.

Қабристондан чиқаётганимизда ғалати бир ҳис қалбимизни чулғаб олди. У ер, бу ерда яккам-дуккам дўмбайиб ётган қабрлардаги марҳумлар гўё бош кўтариб: «Одамлар, бизни унутманг, руҳимизни шод қилиш истагида бўлсангиз ётган манзилимизни обод қилишга шошилинг» дея нидо қилаётгандек эди.

# ЎЖАРЛАР

Йўл юрган турли-туман воқеаларга дуч келади. Яқинда шаҳар бўйлаб сафарларимиздан бирида қизиқ воқеанинг шоҳиди бўлдик. Автобусларнинг Амир Темур бекати ҳамиша гавжум. Шаҳар марказида жойлашган ушбу бекат бошқаларга нисбатан анча озода, саранжом-саришта. Бу жойда турли миллат кишиларини, ҳатто чет эллик меҳмонларни ҳам кўплаб учратасиз. Шу жойда 51-автобусни илҳақ бўлиб кутиб турган эдик. Биздан сал нарида уч-тўртта йигитлар ичиб олишган шекилли, кетма-кет сигарет тутатиб, қолдиғини шундоққина оёқлари остига улоқтиришар, тенгқурлардан иккитаси эса тинимсиз писта чақиб пўчоқларини дуч келган жойга тупуриб ташлашарди. Бекатни супуриб-сидириб юрган фаррош хотин уларни тартибга чақирди.

— Болаларим, бу ерда писта чақманглар. Сигарет қолдиғини анови ахлат қутисига ташланглар.

Ёшлар бу гапга мутлақо эътибор беришмади, ўз билганларидан қолишмади. Бекатда турган бир мўйсафид киши ўртага аралашди.

— Йигитлар, сизларга писта чақманглар, бу ерни ифлос қилманглар дейишяпти, эшитмаяпсизларми? — деб қолди.

— Эшитяпмиз, қулоғимиз гаранг эмас, — деди улардан бири отахонни жеркиб.

— Ҳимоячи топилди, — деди иккинчиси.

— Бу ерни тозалаш фаррошнинг вазифаси, сизга нима? — деди учинчиси.

Бу гап ўтиб тушди. Бекатда турганларнинг асаби қўзиди. Ҳамма ҳар хил сўзлар билан йигитларнинг бу қилмишини қоралади, уларни тартибга чақирди.

Йигитлар ўжарлик қилишди, писта чақиб, сигарет тутатишни давом эттиравердилар. Ўртада келишмовчилик бошланди. Баъзилар улар билан сан-манга бориб қолишди. Орага милиция аралашди. Йигитлар унга ҳам бўйсунишмади. Шу топда бу жойдан ўтаётган милиция машинаси воқеани кўриб тўхтади. Йигитлар қочиб қолишди. Улардан биттасини милициядагилар ушлаб қолишди- да, машинага ўтказиб олиб кетишди.

Ўжарлик оқибати мана шундай кўнгилсизлик билан тугади.

**ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН**

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

# ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

Ҳаёт турли-туман тасодифларга тўла. Оқилу фозиллар томонидан айтилган ҳаётий ривоят ва ҳикоятларни тинглай туриб, таъсирланиб кетасан киши. Ибратли томони шундаки, улар келтирган мисоллар ҳаётда ўз тасдиғини топгандек туюлади. Назаримизда худди шу каби инсонлар сизу биз билан ёнма-ён юргандек. Баъзан кутилмаганда уларнинг ўзлари шунга иқрорлик ҳам билдира қолишади.

Даврада фарзанднинг ота олдидаги бурчи ҳақида гап борарди. Суҳбатдошларимиздан бири ҳикоя қилди.

Кекса бир отахон ўғлидан бир чакмон олиб беришни илтимос қилибди. Ўғил отанинг истагини бажонидил қабул қилибдию, лекин камбағаллик туфайли ота талабини вақтида қондира олмабди. Орадан уч ой ўтиб ота вафот этибди. Ўғил қарз-ҳавола қилиб бўлсада, уни иззат-икром билан жойига қўйибди, маросимларини зиёда ўтказибди. У ҳар қанча қилмасин, барибир кўнглидаги кемтик жой сира тўлмабди. Шундан кейин у ўла-ўлгунча отасининг ўша чакмон ҳақидаги истагини бажо келтира олмагани учун афсус ва надомат чекиб оламдан ўтибди.

Шу воқеани эшитиб ёнгинамизда ўтирган бир йигит тўсатдан оҳ чекиб қолди. Сабабини сўрасак: «У йигитку камбағаллик туфайли ота илтимосини ўрнига қўя олмабди. Ахир мен бой-бадавлат бўла туриб, отамнинг бир неча илтимосларини лоқайдлик қилиб қондира олмадим. Ана шуниси менга армон бўляпти. Айтинглар, қандай қилсам отам олдидаги ўша қарзларимдан қутуламан», — деб бизга юзланди.

Афсуски унга жўяли маслаҳат беришга ожиз эдик.

Орамизда мол-мулк бандаси бўлган, зебузарга ҳаддан ташқари ҳирс қўйган фарзандлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Шундайлар ҳатто ота-она иззат-обрўсини ҳам улар ҳаётлигида йиғиб-терган бойлик билан ўлчайдилар. Улар ота-она тириклигида қадрига етмай, ўлгандан кейин мерос илинжида қарияларга ўзларини меҳр-оқибатли, садоқатли қилиб кўрсатишга уринадилар. Улар бу мунофиқликларини ҳатто Оллоҳдан ҳам пинҳон тутмоқчи бўладилар. Шу ўринда уларга бир ҳақиқатни айтиб қўйишга тўғри келади. Бу нусхалар аниқ билсинларки, ҳеч бир ёмонлик ҳисоб-китобсиз қолмайди. Бу дунёда яширинча қолиб кетган бирон-бир қинғирликнинг ҳам албатта фоний дунёда жавоби муқаррар бўлади.

Ҳикоя қилишларича, ота-она ўлимидан сўнг опа-ука ўртасида ҳовли жанжали бошланади. Опа ота-она ҳаётлигида уларни ташлаб бегона эркак билан беҳаёларча узоқ юртларга кетиб қолади. Ука эса ота-онанинг розилигини олиб, уларга яхши қарайди ва вафотларидан сўнг ўз қўли билан уларни қабрга қўяди.

Ота-она вафотини эшитган опа меҳрибонларини эслаб қолади. Мерос талаб қилиб, укасининг олдига келади. Ўртада келишмовчилик бошланади ва ниҳоят маҳалла фаолларининг аралашуви ҳамда суд ҳукми билан уй-жой укага муҳрлаб берилади.

Ўйлаймизки, бу ўринда изоҳга ҳожат йўқ. Қобил фарзанд ҳамиша ота-онага раҳмат келтиради. Маҳалла-кўй ҳурматига сазовор бўлади. Ноқобил фарзанд эса бебурдлиги туфайли кўпчилик назаридан қолади.

# ЎЗ-ЎЗ ЎРГАНИБ доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ануширвоннинг ўғли Ҳурмуз Ахвоз вилоятига борган пайтда ўша ернинг ҳокими билан мулоқотда бўлди ва бир куни унга деди: «Сенда ягона бир айбдан бошқа ҳеч қандай айб кўрмадим. Аммо ўша кўрган айбим, билгилки, ўнта айбни ўз орқасидан эргаштириб юради». Ҳоким: «У қандай айб экан? Орқасидан эргаштириб келадиганлари эса қайсилар, айтиб бер?» деди. Ҳурмуз деди: «Ўша айб керилиш ва ўзини катта тутишдир. Билгилки, унга эргашадиган айбларнинг биринчиси, менсимаслик бўлиб, унинг оқибати халқ нафратига йўлиқишдир. Иккинчиси, одамларни тафтиш ва тадқиқ қилиб, уларга дашном берган ҳолда ўзи эса касб-ҳунарнинг бирортасига ҳам эга бўлмаслик. Учинчиси, ўқишдан ор қилиш, бунинг натижасида илму адабдан бебаҳра қолиш. Тўртинчиси, ўтиришда барчадан ўзини устун ва доно деб билиш, бунинг натижасида ўзига душман орттириш ва обрўйини тўкиш. Бешинчиси, манманлик туфайли чегарадан чиқиш, баландроқ амални хоҳлаб қолиш, натижада хору-зор бўлиб, ўз мартабасидан ҳам ажраш. Олтинчиси, одамларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳурмат қилмаслик, беморлардан ҳол сўрамаслик ва шунга ўхшаш нарсалардан кўз юмиш. Еттинчиси, одамларга хавф солиш, уларни масхара қилиш, натижасида беқадр бўлиш. Саккизинчиси, маслаҳатсиз иш тутиш, натижада ҳижолат чекиб, надомат тортиш. Тўққизинчиси, одамлар мени улуғ фахмлайди, деб ўйлаш ва гумонда юриш. Фозил ва комил кишиларга қулоқ солмай, ҳақорат кўзи билан қараш, натижада уларнинг назаридан қолиш!

**«ЖОВИДОНИ ХИРАД»**

Сукрот ҳакимдан: «Айбсиз одам борми?» деб сўрадилар. У: Одам айбсиз бўлса ўлмас эди!» деб жавоб берди.

**«ФАВОҚИҲ АЛ-ЖУЛАСО»**

Луқмони Ҳакимдан: «Сен ўзинг кўрган иллатлар ва айблардан қайси бирига даво топа олмадинг?» деб сўрадилар. Луқмон: «Мен барча иллатларга ҳикмат юзасидан даво топдим, аммо даволай олмаганим, бу бадфеъллик иллати бўлди!» деб жавоб берди.

**«ФАВОҚИҲ АЛ-ЖУЛАСО»**

Бир олим айтади: «Энг ёвуз ва ярамас одам шундай одамки, ўзгаларнинг айбини топишга интилади, гап ташиб, дўстларини бир-биридан жудо қилади».

**«ФАВОҚИҲ АЛ-ЖУЛАСО»**

Айбсиз қиз қидирган ёрсиз қолади. Гўзал ҳисобланган ойда ҳам доғ бор.

Айбсиз дўст қидирган дўстсиз қолади.

Билмаган айб эмас, сўрамаган айб.

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

Одамларнинг ёмони узрни қабул қилмайди, камчиликларингни доимо қидиради, қоқилсанг суямайди.

**Муҳаммад ЗЕҲНИЙ**

**Ҳар кишига учта иш одат эрур,**
**Анга ҳамдам хуш саодат эрур.**
**Аввало, эл айбини кўрган замон,**
**Очмагай оғзин маломатга шу он.**
**Ким агар кетса нотўғри йўл билан,**
**Тўғри йўлга бошла дарҳол қўл билан.**
**Солма асло ранж элнинг дастига,**
**Ўз юкинг қўйма бировнинг устига.**

**Фаридиддин АТТОР**

Сўнгги давр олимларидан бўлган бир ҳаким шундай деган эди: «Инсон учун энг қабиҳ ҳисобланган тўртта айб бор. Улардан биринчиси — мансабдорнинг серғазаблиги, иккинчиси — олимнинг ёлғончилиги, учинчиси — давлатманднинг хасислиги, тўртинчиси — хотиннинг фоҳишалиги!»

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

Луқмони Ҳаким: «Инсон учун энг ёмон айб кишининг ўз айбини кўриб билмаслигидир!» деган эди.

**Абулбаракот ҚОДИРИЙ**

Ўз айбини кўрмаган ўзга айбни қидирар,
Дўстинг оч бўлса, сен эса тўқ бўлсанг, бу айбдир!

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

Ҳар ким хиёнат ва эгрилик уруғини ҳаё даласига экса, ундан омонлик ҳосили чиқмаслиги муқаррардир.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

Аҳмоқ ўзиникини омонатга қўйиб, бировдан омонатга нарса сўрайди.

Иғвогарга яқин юрма, унинг таъсирига тушиб қолганлигингни ўзинг ҳам билмай қоласан!

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

Ошкора айтилган таъна, кўнгилда яширилган гинадан яхши.

**Муҳаммад ЗЕҲНИЙ**

**Қаерда хиёнат оёққа турса,**
**Ўша ердан диёнат йироқлашади.**
**Хиёнаткор қаерга қўл урса,**
**Денгизни шимиради, ерни қуритади.**

**Юсуф Хос ҲОЖИБ**

**Кетар бировдин инсофу диёнат,**
**Кеча-кундуз бўлур фикри хиёнат.**

**ҲУВАЙДО**

Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва бу барокатдан умрбод баҳраманд бўлади.

**НАВОИЙ**

Одоб шундай узукки, агар у ҳар кимсанинг тасарруф бармоғига мувофиқ келса, унинг улуғлик оти ҳамма маъракаларда жавлон уради.

Одоб дебочадур инсон учун иззат китобига,
Бўлар ҳар ким одобсиздур нишон тири маломатга.

**Бархурдор ибн МАҲМУД**

Айтадилар:

— Фазилат наслу насаб билан эмас, балки одоб билан топилади.

**Муҳаммад ЗЕҲНИЙ**

Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар у хайлни чархи баланд.

**НАВОИЙ**

Одоб аҳли билан ҳамсуҳбат бўлиш — гуллар ҳидини уфураётган тонг насмидан ҳам ширин.

**«ОТАЛАР СЎЗИ»**

Кишида одоб бўлса, илм ҳам бўлиши лозим. Одоб ақлга боғлиқ нарса. Ақл устига одоб ҳам қўшилса, нур устига аъло нур бўлади. Улуғлик ақлу одоб билан вужудга келади. Ақлнинг қадри одоб билан, бойлик қадри саховат билан, қувват қадри баҳодирлик билан ошади.

**«ФАВОҚИҲ АЛ-ЖУЛАСО»**

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ.

**Анбар ОТИН**

**Маҳмуд ҲАСАНИЙ,**
**Ҳамиджон ҲОМИДИЙ**
**тайёрлашган.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сонли «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент Алоқа касб-ҳунар коллежи ва Юнусобод Дизайн касб-ҳунар коллежларига директорлик лавозимига танлов эълон қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатлар тақдим этадилар:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза.
2. Тавсиянома.
3. Сўровнома (Объективка).
4. Таржимаи ҳол.
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатларнинг асл нусхаси.
6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса).
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
8. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат.

**Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пушкин кўчаси, 7-уй.**

**Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.**

*Ҳурматли Гулнорахон!*

*Сизни таваллуд айёмингиз билан чин юракдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, мангу гўзаллик ва мазмунли умр тилаймиз.*

*Фарзандларингиз ва турмуш ўртоғингиз*



***МУРОДЖОН***

